ASLIGA TO'G'RI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
"FARMATSEVTIKA MAHSULOTLARI
XAVFSIZLIGI MARKAZI"
DAVLAT MUASSASASI

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
ВЕЛСОН

Препаратнинг савдо номи: Велсон
Дори шакли: вена ичига юбориш учун эритма 5 мл
Таркиби:
Бир ампула қуйидагиларни сақлайди:
фаол модда: соя дуккакларидан олинган эссенциал фосфолипидлар умумий фосфодитилхолиннинг 93% ни ташкил этади (синоними – "эссенциал фосфолипидлар", EPL) – 250 мг.
ёрдамчи моддалар: бензил спирти, натрий хлориди, натрий гидроксиди эритмаси (20%), инъекция учун сув.
Таърифи: сариқ, тиниқ, бир хил эритма.
Фармакотерапевтик гуруҳи: гепатопротектив восита
АТХ коди: A05C

Фармакологик хусусиятлари
Гепатопротектор таъсири препаратнинг таркибига кирувчи компонентларнинг хусусиятлари билан ифодаланади.
"Эссенциал фосфолипидлар" – мураккаб моддалар бўлиб, фосфатид ва тўйинмаган ёғ кислоталари (асосан олеин ва линолин кислоталари) нинг диглицеридли эфирларидир. Гепатоцитларнинг ҳужайра мембраналари ва органеллаларни муҳим структур элементи ҳисобланади. Фосфолипидлар мембраналарнинг ўтказувчанлиги ва мембраналарни боғлайдиган ферментларнинг фаоллигини бошқариб, оксидланиш фосфорланиш жараёнларини нормал кечишини таъминлайди. Препарат гепатоцитларни турли этиологияли шикастланишларида фосфолипидлар биосинтезини ва умумий липидлар алмашинувини нормаллаштиради. Гепатоцитларнинг структурасини регенерацияси орқали ва оксидланиш жараёнларини рақобатли ингибиция қилиши ҳисобига гепатоцитларнинг мембраналарини тиклайди: биомембраналарга сафланиб, тўйинмаган ёғ кислоталари токсикоген таъсирларни мембраналардаги липидларни ўрнига ўзи қабул қилиши мумкин. Жигарнинг регенерациясига ёрдам беради, сафронинг физик-кимёвий хусусиятларини рағбатлантиради.
Шундай тарзда, липид ва оқсиллар метаболизмига нормаллаштирувчи, жигарнинг дезинтоксикацион функциясига. жигарни хужайравий структараси ва фосфолипидга боғлиқ ферментли тизимини тикланиши ва сақланишига таъсир кўрсатади; бу охирида жигарда бириктирувчи тўқимани шаклланишига тўсқинлик қилади.

Фармакокинетикаси
ЭФЛ Велсон таркибида инъекцияси вена ичига юборилганда биокираолишлиги 100% ташкил қилади. Жигар хужайраларига ўтади. Холин компонентини ярим чиқарилиш даври - 66 соат, тўйинмаган ёғ кислоталари - 32 соат. Тахминан 5% ахлат билан чиқарилади.

Қўлланилиши
- жигарнинг турли этиологияли, шу жумладан қандли диабетда ривожланадиган ёғли дегенерацияси;

- сурункали гепатитлар;
- жигар циррози;
- алкоголь ва наркотик моддалар интоксикацияси (мажмуавий даволаш таркибида);
- заҳарланишлар (шу жумладан дори воситаларидан заҳарланиш);
- гепатоцитларнинг фаолиятини бузилиши (бошқа касалликларнинг асорати сифатида);
- гепатоцитларни ташқи муҳитга зарарли моддаларни йўл қўйилган чегара миқдоридан ошиши, радиацион фонни кучайиши ва бошқа нохуш экологик омилларни таъсири билан боғлиқ бўлган шикастланишлари;
- псориаз (мажмуавий даволаш таркибида) да қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари
Вена ичига (в/и) (секин) суткада 250-500 мг (1-2 ампула) дан (секин), оғир ҳолатларда 0,5-1 г (2-4 ампула) дан юборилади. Иккита ампуланинг ичидаги эритмани бир вақтда юбориш мумкин.
200 мл 0,9% ли физиологик эритмада, ёки 250 мл 5%, 10% ли глюкоза эритмасида суюлтириш мумкин.
Фақат тиниқ эритма юборилсин. Бир шприцда бошқа дори воситалари билан аралаштирилмасин. Вена ичига юбориш техникасига қатъий риоя қилиш керак.
Айниқса оғир ҳолатларда даволашни бошланишида препаратни вена ичига юбориш тавсия этилади. Парентерал юбориш усулини имкон борича перорал қабул қилиш усули билан тўлдириш тавсия этилади.
Велсон препаратини мушак ичига юбориш қатъиян ман этилади (кучли таъсирланишни чақириши мумкин).

Ножўя таъсирлари
Препарат одатда яхши ўзлаштирилади.
Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан: кам ҳолларда – қорин соҳасида дискомфорт ҳисси.
Жуда кам кузатиладиган реакция инъекция учун эритманинг таркибига кирувчи бензил спиртига юқори сезувчанлик реакциясидир.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар
Препаратга юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.
Вена ичига юбориш учун эритмани 3 ёшгача бўлган болаларни даволаш учун қўллаш (унинг таркибида бензил спирти борлиги сабабли) мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири
Бошқа дори препаратлари билан ўзаро таъсири таърифланмаган.

Махсус кўрсатмалар
Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши
Велсон препаратини ҳомиладорлик даврида ва эмизикли болага таъсири юзасидан етарли маълумотлар йўқ. Ҳомиладорлик вақтида препаратни фақат шифокорнинг назорати остида қўллаш керак. Лактация даврида Велсон препарати ишлатилганида эмизишни тўхтатиш керак.
Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири
Кузатилмаган.

Дозани ошириб юборилиши
Ҳозирги вақтда препаратнинг дозасини ошириб юборилиш ҳоллари юзасидан хабар берилмаган.

Чиқарилиш шакли
Инъекция учун эритма 5 мл дан ампулаларда. 5 ампула тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

Сақлаш шароити
2°С дан 8°С гача ҳароратда сақлансин.
Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати
3 йил.
Яроқлилик муддати ўтгач қўлланмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби
Шифокор рецепти бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:
Genetek Lifesciences Private Limited, **Ҳиндистон**

Avison Pharmaceutical Pvt. Ltd., Ҳиндистон учун ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили
"SHAYANA FARM" МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси Тошкент ш. 700057, Уста Ширин кўчаси 117-уй,
Тел.: 99(871) 2281692(93/94)
Факс: 99 (871) 2281695